

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «22» 6

2022-299-12-177-МТ-  
сон

*шовот туман* П.

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Шовот туман мактабгача таълим булими номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиги Б.Ражабов бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **ООО UYG'UR QURILISH SERVIS** номидан низом асосида иш курувчи К.Бектурдиев иккинчи томондан 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

### 1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар қулланилади;

-ижро хужжатлари – натурала бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиликти тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганилиги тугрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

-курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

-вактингчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар;

-беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклап мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-шартнома нархини булиб чикиш – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик **12-сон МТТ** биносини кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда **890 000 000 Саккиз юз туксон миллион сум** ни тапкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгib булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;

- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатта узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага күшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажарип учун:

-барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларiga мувофик топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- курилиш майдони худудида вактингчалик иншоотлар куриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вактингчалик бинолардан буштиш;

- курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим киласди.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га teng булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим киласди.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш; Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни кабул килиши учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкий жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

### 13. Шартнома томонлар уни газначиликдан утгандан кейин конуний кучга киради.

### 14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

### 15. Объектни 2022 йил «19» июл фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

### 16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллый валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утказади, 267 000 000 икки юз олтмиш етти миллион сум ни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.
20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек тъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хак тулаш, объект курилишида иштирок этастган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катый сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос будади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикалигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан туsicиз танишиш хукукига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан тъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манбаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четта чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини тъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулайди.
30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боялик тухтаб колишлар, курилиш техникининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишини тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс этирилади.
- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.
- Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

### IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиг булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.
32. Агар енгиг булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.
33. Агар томонлар икки ой ичидаги келишга олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## XI. КАФОЛАТЛАР.

### 34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан курилиш учун қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидаги курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофикалигини;
- ишларни кабул килиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;
- обьектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофикалигини кафолатлади.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиши муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлами даюлатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

### 35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига boglik булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечикирилганда;
  - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

### 36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига boglik булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулади.
38. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
39. Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулади.
40. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон: Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги конунида, Узбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 395 сонли карори билан, бошка конун хужжатларидаги хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплади.
42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар булади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулади;
  - буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблагларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига утказиб бермаса ушлаб туринган сумманинг 5% микдорида жарима тулади;
  - шартномага муофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар хажмини асосиз равишда кабул килиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тулади;
  - шартнома шартларига муофик тайёр холда кабул килиш учун тақдим килинган объектни асосиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулади;
43. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкий жавобгар булади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечитирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тулади.
  - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажарип тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойининг охирги кунига кадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулади;
  - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулади;
  - объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулади;
  - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик булмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулади.
44. Агарда томонлардан бири уз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон ракамларини, корхона атамаси ёки макомини ногутри берса ва узгарганилиги түргисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айборд тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% микдорида жарима тулади.
45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор килишта тугри келса, айборд тамон иккинчи тамонга барча зарапларни коплади, амалдаги конунларда белгиланган тартибда.
46. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб туладиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.
47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида толов талабномаси буйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

48. Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарапларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат килишлари мумкин.

#### **XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ**

49. Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариллари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериши ёки беришни вайда килиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари/харакатсизликларини содир этмайдилар.

50. Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз қечадилар деб маълум киладилар.

51. Томонда ушбу шартноманинг 7.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган холда, тегишли Томон бу хакда иккинчи Томонни хабардор килиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларининг нормалари бузилганилиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган холда эса – амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

52. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар утасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз күчини йукотади.
53. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохига кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бір үчинчи томонга сотиш ёки бериш хуқукига эта булмайды.
54. Мазкур шартномага киритилған барча үзгартыриш ва күшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштырылған да томонлар уларни имзолашған булса, хакиқий хисобланади.
55. Буюртмачи билан Пудратчи утасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдын янги мажбурияттар пайдо булишина оліб келділік хар кандай ахдлашувни томонда мазкур шартномага күшимчалар ёки үзгартыришлар шаклида ёзма равишида тасдиклаши керак.
56. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узнга тегишли мол-мұлкни колдиоса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санағигача бажарылған ишлар үчүн үнгә хак тулашни кечіктіришта хаклайды.
57. Мазкур шартноманың жорий нарахтардаги көлишилдік сүммаси мөһөрдій-конун хужжатларига К.К.С. түгрисіда үзгартыришлар киритилса кайта күриб чыклады.
58. Ушбұш шартнома Узбекистон Республикасы Президентининг 2007-йил 28-февралда ПК-594-сонда қарорига асасан Газначиликта рұйхатта олинғандан кейин күнгө конунай киради ва 2021-йил 31-декабрга амал килашады.
59. Мазкур шартнома бир хил юридик күнгә эта булған 3 нұсқада түзилди.

#### **XVI. ТОМОНЛАРНИҢ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.**

**ПУДРАТЧИ:**

**БУЮРТМАЧИ:**

<b>ООО UYG'UR QURILISH SERVIS</b>	<b>Шовот туман мектебінде таълим булямбы</b>
Манзил: Урганч тумани Чоткупир кишлоғы	Манзили : Туркестон күча 11үй
Тел/факс 93-289-70-70	Тел/факс: 62-34-54-370
х/р: 20208000504905296001	ш/хр: 401722860332307091100251003
ИНН: 301942869	ИНН:305156054
Банк: Хамкорбанк АТБ Урганч филиали	ОКОНХ: 84113
МФО: 01020	Молия Вазирлиги Газначилити
ОКОНХ:41202	Газна х/в : 23402000300100001010 Банк : Марказий банк Тошкент ш XKKM
	МФО : 00014      ИНН: 201122919

К.Бектурдиев

Б.Ражабов



**YURIDIK AHAMTYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**.

2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi (kontrakt)**

«**Shovot tuman Maktabgacha ta’lim bo‘limi**» keyingi o‘rinlarda «**Buyurtmachi**» deb yuritiladigan Nizom asosida faoliyat yurituvchi raxbari **B.I.Rajabov** bir tomondan, «**UYG‘UR QURILISH SERVIS**» MCHJ keyingi o‘rinlarda «**Pudratchi**» deb yuritiladigan Nizom asosida faoliyat yurituvchi raxbari **K.Bekturdiyev** ikkinchi tomondan **12-son maktabgacha ta’lim tashkiloti binosini** joriy ta’mirlash ishlari bajarish bo‘yicha umumiy qiymati **890.000.000 so‘mlik** pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot - **Shovot tumani Maktabgacha ta’lim bo‘limi** tomonidan **22.06.2022-yil** sanasida ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Ushbu loyiha O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi №670-I-sonli Qonuniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



Qurbanov B.R.

Хоразм вилояти Шовот тумани мактабгача таълим булимига карашли 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш

**ЖАДВАЛИ**

№	Ишлар турни номи	Ишлар киймати	2022 йил буйича курилиши киймати												890 000 000 (минг сумда)
			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр		
1	2	3													
	Шовот тумани мактабгача таълим булимига карашли 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш	890,0								267,0	623,0				
	жами	890,0								267,0	623,0				

Биротмачи:



Хоразм вилояти Шовот тумани мактабгача таълим булимига карашли 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариши

### ЖАДВАЛИ

№	Ишлар тури ва номи	Ишлар киймати	2022 йил бўйича курилиш киймати												890 000 000 (минг сумда)	
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр			
1	Шовот тумани мактабгача таълим булимига карашли 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш	890,0							267,0	623,0						
	жами	890,0							267,0	623,0						



Пудратчи:

